

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ПОЛВОН РУЗМАТОВИЧ

**АМАРАНТ ЎСИМЛИГИ ОҚСИЛЛАРИ АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ
ПЕПТИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Шарипов Полвон Рузматович

Амарант ўсимлиги оқсиллари асосида биологик фаол
пептидлар олиш технологиясини яратиш 3

Шарипов Полвон Рузматович

Создание технологии получения биологических активных
пептидов на основе амарантового белка 21

Sharipov Polvon Ruzmatovich

Creation of a technology for the production of biologically active
peptides based on amaranth protein 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ ПОЛВОН РУЗМАТОВИЧ

**АМАРАНТ ЎСИМЛИГИ ОҚСИЛЛАРИ АСОСИДА БИОЛОГИК ФАОЛ
ПЕПТИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавтуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Т2469 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университети ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган (uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-

Илмий ра
хбар:

Хасанов Хасан Турсунович
биология фанлари номзоди, доцент

Расмий о
ппонентлар:

Серкаев Қамар Пардаевич
техника фанлари доктори, доцент

Каршиев Толиб Овлаевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи та
ашилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «30» 10 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш муҳимини 488 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2024 йил «7» 10 кун тарқатилди. (2024 йил «7» 10 даги №488 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Н. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Қ.П. Серкаев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оғир респираторик касалликларга қарши дори воситаси сифатида турли хил антимикроб хусусиятли пептидлардан фойдаланиш кенг амалга оширилмоқда ва кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга юқори самарали технологиялар орқали оқсилга бой маҳсулотларни ферментатив қайта ишлаб, биологик актив моддалар олиш, амарант ўсимлигини етиштириш, ундан, биологик фаол моддаларга бой бўлган ҳар хил турдаги маҳсулотлар олишнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган антимикроб хусусиятли пептидлар озиқ-овқат, фармацевтика, медицина ва бошқа саноат тармоқларида қўллашни ривожлантиришга йўналтирилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада амарант уруғини етиштириш захирасини баҳолаш, протеолитик ферментлар иштирокида антимикроб хусусиятли пептидларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш, уруғ янчилмасидан пептидларни максимал даражада олиш, ишлаб чиқаришни чиқиндисиз, самарали технологияларини жадаллаштириш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда таркибига юқори самарали технологияларни жорий қилиш орқали маҳаллий хом ашё ресурсларидан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўсимлик экстрактлари, витаминлар, эссенциал қўшимчалар қўшилган, функционал хусусияти яхшиланган маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Юқори технологик тармоқларни жадал ривожлантириш, аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, амарант ўсимлигини етиштириш, оқсилга бой маҳсулотларни ферментатив қайта ишлаб, маҳсус функционал хусусиятларга эга янги турдаги маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йилнинг 9 сентябридаги ПҚ-4821 сонли «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36 сонли «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Амарант ва мойли экинларни қайта ишлаш, уларнинг кимёвий ва физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича Silva-Sánchez C., Alehis Ayala-Nino, Teresa Rosales-García, Rozana Aparesida, А.И. Глушенкова, С. Латиф, Soto C.G., Rosenthal A., Lamsal B., Hanmoungjai P., Moreau R., Dominguez H., К. Сосулски, А.Г. Сергеев, М.З. Подольский, В.Г. Щербачков, В.П. Ржехин, Ш.Х. Олимжонов, М.М. Рахимова, Қ.С. Сафаров, Х. Алланов, О. Сотторов, М. Нормурадова, Ш.А. Турсунова ва бошқалар томонидан илмий изланиш олиб борилган.

Улар томонидан амарант ўсимлиги физик-кимёвий ва хавфсизлик кўрсаткичлари аниқланган, амарантни қайта ишлаб мой, оқсил, пептид, углевод гидролизатлар олиш технологиялари асосланган, оқсил гидролизат таркибли, антитромбик, антимикроб, препаратлар олинган.

Шу билан бирга юқори самарали технологиялар асосида амарант уруғини ферментлар иштирокида қайта ишлаш, амарант уруғини комплекс қайта ишлаб, патока, амарант мойи олиш технологиясини ишлаб чиқиш, маҳсулотнинг пробиотик ва антимикроб хусусиятларини стимуллаштириш учун қўшимча равишда антиоксидантлар ва специфик қўшимчали рецептларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Самандар патока» фермер хўжалиги, «Standart sweet» МЧЖ билан ҳамкорлик шартномаси асосида «Хоразм шароитида амарант етиштириш», «Амарант ўсимлигини қайта ишлаб оқсил, пептид гидролизатлар олиш технологияси яратиш» мавзусидаги амалий-ёрдам лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади амарант ўсимлиги оқсиллари асосида биологик фаол пептидлар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилоятида етиштирилган амарантнинг «Харьков» навини механик, физик-кимёвий ва хавфсизлик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

амарант уруғи оқсилларини ажратиш ва ферментатив гидролизланиш кинетикасини аниқлаш;

амарант уруғини протеазалар ёрдамида ферментатив гидролизлашнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

олинган пептидларнинг антимикроб, антиоксидант хоссаларини аниқлаш;

амарант уруғидан антимикроб, антиоксидант пептид олиш, қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи материални ферментатив гидролизлаб, қандли моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

йилига 300 *t* амарант уруғини қайта ишлаш корхонасининг иқтисодий

самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти фермер хўжаликларида етиштирилган амарант «Харьков» нави, нейтрал протеиназа (Neutralse 0,8L, «Novozymes», Дания), α -амилаза (Термолаза 800L, ООО «Enzymbioproduct», Россия), амарант пептиди, амарант патокаси, амарант мой маҳсулотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети амарант уруғи оксилларидан олинган пептидларнинг антиоксидантлик ва антимикроб фаоллиги ва барқарорлиги, хавфсизлиги, крахмал патока ҳамда амарант уруғидан мой олиш жараёнида қўлланилган протеолитик, амилаolitik ферментларнинг фаоллиги ва барқарорлигидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда хом ашё ва тайёр маҳсулотлар таркибидаги умумий оксил миқдори Кельдель усулида, ферментлар фаоллигини ўлчашда фотоэлектроколорометрик, крахмал патока курук моддалар миқдори таҳлилларида рефрактометрик, захарли металлар таҳлилида полярографик, амарант мойи ёғ кислоталар ва сквален миқдори газли хроматография, граваметрик, биологик фаол пептидларни антимикроблик хусусияти - микробиологик “Луночно-диззуфион” усулида аниқланган, маҳсулотнинг хавфсизлик кўрсаткичлари СанПиН № 0366-19 талабларига мослиги текширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм шароитида амарант етиштириб, етиштирилган амарант механик, уруғининг физик-кимёвий, хавфсизлик кўрсаткичлари аниқланган;

амарант уруғидан сувда, тузли, спиртли эритмада эрувчи оксиллар ажратиб, оксилларнинг ферментатив кинетикаси Neutralse 0,8L ферменти глобулин оксиги нисбатан энг юқори спецификликни намоён қилиши исботланган;

амарант уруғини протеаза (Neutralse 0,8L) ферменти билан гидролизлашда рН 6-7, ҳарорат 45-55 °С мақбуллиги асосланган;

амарант уруғи оксилларидан олинган молекуляр оғирлиги 7-16 кДа бўлган пептидлар (+)-катехинни оксидлаши бўйича юқори антиоксидантлик фаоллиги, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis* бактерияларга нисбатан антимикроб хоссаси исботланган;

олинган пептидлар СанҚМ 0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари” хужжати 9.1-банди захарли элементлар миқдори бўйича мослиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амарант уруғи янчилмасига ферментатив ишлов беришни комплекс усули асосида оксиллар, углеводлар ва ёғлардан керакли маҳсулотлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

амарант уруғи оксиллари асосида протеолитик ферментларни қўллаб антиоксидант хоссали пептидлар олишни мақбул шароитлари аниқланган;

олинган пептидлар антиоксидантлик билан биргаликда антимикроб хоссага эга эканлиги ва *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis* бактерияларга қарши қўллаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Натижаларни таҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий ва биокимёвий таҳлил усуллари қўлланилганлиги, экспериментал маълумотларга статистик ишлов бериш Стюдент мезони ёрдамида ўртача натижанинг ишонч оралиғи чегара қийматларини ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилганлиги билан тасдиқланган ва «Mehnat pivo» МЧЖ ҳамда «Standart sweet» МЧЖ корхоналарида тадқиқот натижаларини жорий этиш орқали исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, амарант уруғини ферментлар иштирокида комплекс қайта ишлаш, пробиотик ва антимикроб хусусиятларини стимуллаштириш учун қўшимча равишда антиоксидантлар ва специфик қўшимчали рецептларини яратиш, оксилларининг ферментатив кинетикаси Neutrase 0,8L ферменти глобулин оксидидан юқори спецификликни намоён қилувчи амарант уруғидан оксиллар ажратилиш илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, амарант ўсимлигини этиштириш, уруғ янчилмасига протеолитик ва аμιлолитик ферментлардан фойдаланилган ҳолда ишлов бериб, антиоксидант, антимикроб препаратлар, патока, қандли моддалар, амарант мойи олиш технологиясини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Амарант уруғини ферментатив қайта ишлаш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амарант уруғидан оксил гидролизатлари ва патока маҳсулоти олиш технологияси «Standart sweet» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини вазирлиги»нинг 2024 йил 12 августдаги 05/06-02-654-сон малумотномаси). Натижада *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis* микроорғанизмларига қарши антимикроб фаоллиги юқори оксил гидролизатлари ва сифати ГОСТ 33917-2013 талабларига мос патока маҳсулоти ишлаб чиқариш имконини берган;

амарант уруғидан олинган оксил гидролизатлари ва патока маҳсулоти қўшиб пиво олиш технологияси «Mehnat pivo» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини вазирлиги»нинг 2024 йил 12 августдаги 05/06-02-654-сон малумотномаси). Натижада затор қандлаштирилган, сифати ГОСТ 31711-2012 талабларига мос пиво маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, 2 та хорижий, 3 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олган. Диссертация таркибига 23 расм 27 жадвал киритилган. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт шарҳи. Амарант уруғини қайта ишлашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумот**» деб номланган биринчи бобида амарант ўсимлигини етиштириш, ботаник таснифи, амарант ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари, ундан тайёрланадиган маҳсулотлар, амарант уруғини комплекс қайта ишлаб биологик фаол моддалар олишнинг замонавий усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Лаборатория тажриба жиҳозлари, реактивлар, методикалар. лаборатория ишларининг рўйхати**» деб номланган иккинчи бобида ўрганиш объектлари, намликни аниқлаш усули (ГОСТ 13586.5-2015) оқсил микдорини аниқлаш усули (ГОСТ 10846-91), ёғни микдорини аниқлаш усули (ГОСТ 29033-91), протеолитик фаолликни аниқлаш усули (ГОСТ 20264.2-85), амилolitik фаолликни аниқлаш усули (ГОСТ 20264.4-85), мой кислоталар транс изомерларини аниқлаш усули (ГОСТ 31754-2012), нордонликни аниқлаш усули (ГОСТ 12788-87) келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажриба қисми. Амарант уруғи оқсиллари асосида биологик фаол пептидлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон республикаси Хоразм вилояти, Хонқа туманида етиштирилган амарант ўсимлигининг механик ва физик-кимёвий таснифи, амарант уруғи оқсилларнидан олинган пептидларни антиоксидантлик ва антимикроблик хоссаларига қўлланилаётган ферментларни таъсири, амилolitik ферментлар ёрдамида амарант уруғи крахмалидан қандли моддалар олишда қайта ишлаш кетма-кетлигини таъсири, пиво тайёрлаш технологиясида амарант уни ва амарант патокасининг қўллаш тадқиқ этилди.

Амарант ўсимлигининг кимёвий таркиби, етиштириш агротехникаси, фойдали, шифобахш хусусиятларини ўрганиб чиқиб, Хоразм вилояти, Хонқа туманида 5 га ер майдонида амарантнинг “Харьков” нави етиштирилди. Етиштирилган амарант ўсимлигининг бўйи ўртача 2,5 метрни ташкил қилган. Хоразм вилояти, Хонқа туманида етиштирилган амарант ўсимлиги 1-расмда келтирилган. Амарант ўсимлигини етиштиришда ўртача 1 га майдондан 700-750 ц кўк масса ва 4,6-5,4 т амарант уруғи олинди.



1-расм. Амарант “Харьков”, “Золотой гигант” навлари

Амарант уруғини механик таҳлил қилиш. Амарантни ўсимлигини механик таҳлил қилиш хом ашёни дастлабки таҳлилларидан бўлиб, далада етиштирилган амарант ўсимлигидан қанча миқдорда уруғ, кўк масса ҳосилини олиш тўғрисидаги дастлабки хулосалар қилиш учун ёрдам беради. Ушбу хулосалар ёрдамида кўшимча таҳлиллар (кьелдаль, рефрактометрик, граваметрик ва б.) биологик фаол пептидлар, патока, амарант мойи, чиқимини назарий аниқлаш имконини беради. Амарант ўсимлиги механик таҳлили натижалари 1-жадвалда келтирилади.

1-жадвал

Амарант ўсимлиги механик кўрсаткичлари тавсифи, (гр)

№	Битта амарант ўсимлигининг ўртача умумий оғирлиги	Бош қисми яшил массаси	Барги	Уруғи	Пояси	Илдизи
1	2840	497	695,5	170	1454	193,5

Ушбу жадвалда келтирилган амарант ўсимлигининг механик таҳлилларда амарант умумий массасига нисбатан бош қисми яшил массаси ўртача 17,5 %, барги 24,4 %, уруғи 6 %, пояси 51,2 %, илдизи 6,8 % ни ташкил қилган.

Амарант ўсимлиги механик қисмларининг намлиги ГОСТ 13586.5-2015 бўйича ва умумий оксилларининг массавий улуши ГОСТ 10846-91 меъёрий ҳужжатлари асосида Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг аккредитацияланган физик-кимё лабораторияси (ҳозирда UzTEST)да таҳлил қилинган. Аниқланган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Амарант ўсимлиги механик қисмларининг намлик ва оксил миқдори таҳлили, (%)

№	Таркибий қисмлари	Намлиги	Оксил миқдори
1	Уруғи	12	11
2	Янги узилган амарант барги	63,95	7
3	Пояси	61,98	0,3
4	Илдизи	61,5	0,6


Хом ашё таркибидаги токсик элементлар миқдори 3-жадвалда келтирилади.

3-жадвал


Амарант уруғи заҳарли элементлар таҳлили, (mg/kg)

№	Аниқланган заҳарли элементлар миқдори		СанҚ ва М 0366-19, 4.1-банд	СанҚ ва М 0366-19, 4.1-банд
1	Мис (Cu)	0,2	Меъёрланмаган	мос
2	Кўрғошин (Pb)	0,12	0,3	мос


3	Кадмий (Cd)	0,00	0,1	мос
4	Рух (Zn)	0,00	Меъёрланмаган	мос



2-расм. Амарант уруғидан олинган альбумин, глобулин, глутелинларининг нейтрал протеазалар ёрдамида ферментли гидролизланиши. 1- альбумин, 2-глобулин, 3-глутелин



3-расм. Оксилларни нейтрал протеиназа билан гидролизланиш тезлигига субстрат концентрациясини таъсири. 1-альбумин, 2-глобулин, 3-глутелин.



4-расм. Фермент фаоллигининг жараён хароратига боғлиқлигини ўрганиш

Нейтраза ферментини альбумин ва глутелинга нисбатан Михаэлис константаси 14,3 мг/мл ташкил этган бўлса, глобулинга нисбатан 10,0 мг/мл ни ташкил этган. Михаэлис константа диаграммаси 3-расмда келтирилган. Амарант уруғидан ажратилган глобулин нейтрал протеиназа билан гидролизланиш тезлиги бошқа оксилларга нисбатан 2-3 марта юқори бўлиши

Етиштирилган амарант уруғи заҳарли элементларга таҳлил қилинганда, СанҚ ва М 0366-19 “Ўзбекистон Республикаси Санитария Қоидалари, Меъёрлари ва гигиеник нормативлари” ҳужжати 4.1-банди заҳарли элементлар миқдори бўйича мослиги аниқланди.


Амарант уруғини ферментли қайта ишлашдаги фермент препаратларининг таснифи

Амарант уруғидан ажратилган оксиллар протеолитик ферментлар билан ҳар хил тезликда гидролизланади. Гидролизланиш тезлиги ишлатилаётган протеолитик ферментни спецификлигига боғлиқ. Оксилларни гидролизлашда *Bacillus amyloisuyefaciens* бактериясидан олинган нейтрал протеаза “Нейтпраза” (Novozams, Denmark) фойдаланилди. Олинган натижалар 2-расмда келтирилган.

Келтирилган маълумотларда амарант уруғидан ажратилган глутелин, нейтрал протеиназа билан гидролизланиш тезлиги бошқа оксилларга нисбатан 2-3 марта юқорилиги кузатилган. Масалан, 120 мин давомида глутелинни гидролизи натижасида ҳосил бўладиган аминокислоталарни миқдори 2,16 мкмоль/мл бўлса, альбуминни гидролизланиши натижасида 1,08 мкмоль/мл, глобулинни гидролизланишида эса 0,97 мкмоль/мл ни ташкил этган.

кузатилган. Амарант уруғининг ферментатив фаоллигини жараён ҳароратига боғлиқлигини ўрганиш тажриба натижаси 4-расмда келтирилади.

Амарант уруғини протеаза (Neytrase 0,8L) ферменти билан қайта ишлашда оптимал ҳарорат 45-55 °С эканлиги маълум бўлди.



5-расм. Амарант уруғини ферментация жараёнида рН муҳитнинг фермент фаоллигига таъсири

Амарант уруғини ферментатив қайта ишлашда рН муҳит таъсири 5-расмда келтирилади.

Амарант уруғи протеаза (Neytrase 0,8L) ферменти билан ҳар хил муҳитда фермент фаоллиги ўлчанганда оптимал муҳит рН 6-7 эканлиги аниқланди.

Амарант ўсимлигидан олинган пептидларнинг антиоксидант хусусиятлари.

Амарант уруғида сувда эрийдиган альбуминлар, тузли эритмада эрийдиган глобулинлар, спирта эрийдиган проламинлар ва ишқорий эритмада

эрийдиган глютелин оксиллари аниқланган. Баъзи бир донли уруғларда учрайдиган оксилларни миқдорий таркиби 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

Донли уруғлар оксилларини таркибий қисмлари (қуруқ моддаларга нисбатан %)

Дон тури	Қуруқ моддаларга нисбатан	Шу жумладан			
		Альбу-минлар	Глобу-линлар	Прола-минлар	Глюте-линлар
Буғдой	12-18	4	8	40	48
Арпа	8-14	28	22	32	18
Маккажўхори	9-14	0,5	20	40	30
Амарант	9-11	19	38	13	21

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, амарант уруғи ҳам бошоқли донлар каби эрувчанлиги юзасидан барча оксилли моддаларни сақлайди. Амарант уруғи таркибида глобулин ва альбуминнинг миқдори бошқа донли хомашёларга нисбатан кўп бўлиб, 38 ва 19 % ни ташкил этган.

Амарант уруғи оксилларидан олинган пептидлар ҳам бундан мустасано эмас. Тадқиқотларда амарант уруғидан олинган глобулин ва глютелин оксиллари ферментли гидролизидан юқори антиоксидант фаоллигига эга пептидлар олинган. Амарант уруғи оксилларидан олинган пептидларнинг антиоксидантлик хоссаси 6-расмда келтирилган. 6-расмда (1-назорат намунаси, 2-альбуминдан олинган пептидлар, 3-глобулиндан олинган пептидлар, 4-глютелиндан олинган пептидлар) келтирилган маълумотларда темир ионлари иштирокида 45 °С ҳароратда 10 кун давомида назорат эритма (+)-катехинни оксидлаш натижасида эритманинг оптик зичлиги 1,3 бирликни ташкил этган (4-расмдаги, 1-эгри чизик).



6-расм. Амарант уруғи оксилларидан нейтраза ферменти ёрдамида олинган пептидларнинг (+)-катехинни оксидланиш жараёнига таъсири

Пептидлар иштирокида (+)-катехинни оксидланиш тезлиги камайган. Айниқса глобулин ва глютелиндан олинган пептидлар жараёни секинлаштирган ва эритманинг оптик зичлиги атиги 0,5-0,6 бирликни ташкил этиб, амарант уруғи оксиллари асосида антиоксидант хоссали пептидлар олиш мумкинлигини кўрсатган.


Амарант ўсимлигидан олинган пептидларнинг антимикроб хусусиятлари. Амарант оксили ва қайта ишланган гидролиз маҳсулотларининг антимикроб фаоллиги 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Амарант оксили ва қайта ишланган гидролиз маҳсулотларининг антимикроб фаоллиги

Пептидлар олиниш объекти	Тест-культураларнинг ўсишини камайтириш зонаси диаметри, мм				
	<i>E.coli</i>	<i>P.aeruginosa</i>	<i>S.aures</i>	<i>B.subtilis</i>	<i>S.albicans</i>
Майдаланган амарант уруғи	-	18	16	14	-
Амарант уруғини протеолитик, амилолитик қайта ишлашдан олинган амарант куйкуми (дробина)	-	14	-	-	-
Экстракция усулида мойи ажратиб олинган амарант шроти	-	14	-	-	-
Мойи ажратиб олинган амарант уни	-	12	-	-	-
Амарант уруғи альбуминлари	-	12	-	-	-
Амарант уруғи глобулинлари	-	-	-	-	-
Амарант уруғи глютелинлари	-	-	-	-	-
1мг/мл концентрацияли цефозолин антибиотиғи	26	58	26	48	52
Назорат намунаси (Буфер рН 7,0 + нейтраза ферменти)	-	-	-	-	-

Кўпчилик таҳлил қилинган намуналар *Pseudomonas aeruginosa* ўсишини ҳар хил даражада камайтирган бўлса, энг яхши кўрсаткични майдаланган амарант уруғини протеолитик қайта ишлашда ҳосил бўлган пептидлар намоён қилган. Бунда культураларнинг ўсишини камайтириш зона диаметри ўртача $1,8 \pm 0,02$ см. ни ташкил қилди (7-расм).



7-расм. Амарант уруғи протеолитик қайта ишланган маҳсулотларининг *Pseudomonas aeruginosa* ни ўсишини тўхтатиши


(1-майдаланган амарант уруғи, 2- амарант уруғини протеолитик, амилолитик қайта ишлашдан олинган амарант қуйқуми (амарантовая дробина), 3-экстракция усулида мойи ажратиб олинган амарант кунжараси, 4-мойи ажратиб олинган амарант уни, 5-амарант уруғи альбуминлари, 6- амарант уруғи глобулинлари, 7- амарант уруғи глютелинлари, 8- 1мг/мл концентрациядаги цефозолин антибиотиғи, 9-назорат намунаси (Буфер рН 7,0 + нейтраза ферменти).

Амарант уруғи альбуминларидан протеазалар орқали гидролизлаб олинган пептидлар $1,2 \pm 0,1$ см диаметрда *S. aureus* культураси ўсишини чеклаши кузатилган (8-расм).




8-расм. Амарант уруғи протеолитик қайта ишланган маҳсулотларининг *Staphylococcus aureus* ни ўсишини тўхтатиши (ушбу расмда келтирилган сонлардаги намуналар номи 7-расмдаги билан бир хил).

Қолган бошқа намуналар тест-культураларнинг ўсишини деярли тўхтатмаган (9-расм).



9-расм. Амарант уруғи протеолитик қайта ишланган маҳсулотларининг *Bacillus subtilis* ни ўсишини тўхтатиши (ушбу расмда келтирилган сонлардаги намуналар номи 7-расмдаги билан бир хил).

Майдаланган амарант уруғидан протеолитик қайта ишлаб олинган пептидлар бир вақтнинг ўзида Грам «+» *S.aureus* ва *B.subtilis* штамларига қарши тест-культураларни 18 ва 14 мм га ўсишини тўхтатиши билан ўзининг антимикроб фаоллигини намоён қилган.



Шунингдек, Грамм «-» *P. aeruginosa* штамга қарши бошқа намуналар ҳам 12-18 мм гача тест-культураларнинг ўсишини тўхтатишини намомоён қилиб, юқори антимикроб фаоллиги аниқланган.

Амарант уруғи манбаасидан протеолитик фермент препарати иштирокида олинган пептидлар айрим патоген микроорганизмлар (*Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* va *Bacillus subtilis*) га нисбатан антимикроб фаоллигининг аниқланиши келажакда медицина соҳасида янги тур антибиотик ва антимикотиклар олиш имконини беради.

Олинган пептидлар молекуляр массасини электрофарез ёрдамида аниқлаш тажриба натижалари. Пептид гидролизатларининг молекуляр массасини аниқлаш учун, 12% ПААГ гелда, цис-глицин буфер, 0,1% SDS, pH-8,6, 25 mA шароитида электрофарез қилинди. Олинган антимикроб, антиоксидант пептидларнинг молекуляр оғирлиги электрофарези 10-расмда келтирилган. Олинган антимикроб, антиоксидант пептид гидролизатларининг молекуляр оғирлиги 7-16 кДа ни ташкил қилди.

Олинган пептид гидролизатларининг заҳарли элементлар таҳлили. Олинган пептидлар заҳарли элементлар миқдори полярограф усулида таҳлил қилинганда 6-жадвалда келтирилган маълумотлар олинди.

6-жадвал

Амарант пептидлари заҳарли элементлар миқдори, (mg/kg)

№	Аниқланган заҳарли	СанҚ ва М 0366-19	СанҚ ва М 0366-
1	Мис (Cu)	0,17	мос
2	Қўрғошин (Pb)	0,12	1,0
3	Кадмий (Cd)	0,00	0,2
4	Рух (Zn)	0,00	меъёрланмаган

Олинган пептидлар заҳарли элементларга таҳлил қилинганда, СанҚ ва М 0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гигиеник нормативлари” ҳужжати 9.1-банди заҳарли элементлар миқдори бўйича мослиги аниқланган.

Амарант уруғи таркибидаги крахмалдан қандли моддаларни олиш. Амарант уруғи ферментли гидролиз натижасида пептидлар олингандан кейин, таркиби крахмал ва амарант мойи сақлаган чўкма чиқинди сифатида ажралади.

Улардан самарали фойданиш мақсадида амилolitik ферментлар таъсирида қандли моддаларга гидролизлаш жараёни ўрганилди. Олинган қандли гидролизатни таҳлил кўрсаткичлари 7-жадвалда келтирилади.

7-жадвал

Амарант крахмалидан олинган қандлаштирилган шарбат таҳлили

Қўлланилган фермент	Эритма хажми, мл	Қурук моддалар миқдори, %	Қайтарувчи қандлар (қурук моддаларга нисбатан), %
α-амилаза	480	22	27
α-амилаза ва β-амилаза	470	23	52

Олинган натижалардан амарант уруғини амилolitik ферментлар иштирокида қайта ишлаб, углеводли моддалар шу жумладан патока маҳсулоти, бижғиш маҳсулотлари учун углеводли хом ашёлар олиш имконини яратади.

Амарант уруғидан олинган амарант мойининг ёғ-кислота таркиби. Таҳлиллар натижасида олинган амарант уруғининг мойлилик даражаси ва амарант уруғини ферментли қайта ишлаб олинган қуритилган амарант куйқумининг (амарантовая дробина) мой ва сквален миқдори 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Амарант уруғи ва қуритилган амарант куйқумининг мой ва сквален миқдори, (%)

Номи	Мой миқдори	Сквален миқдори
Амарант уруғи	6,97	8,6778
Крахмаллари гидролиз қилиб ажратилган амарант уруғида (қуритилган куйқум)	10,93	8,4791

“Харьков” навли амарант уруғи мойлиги 6-8,4%, ушбу мойлар таркибида 8-10 % миқдорда сквален биологик фаол моддалари борлиги аниқланган.

Пиво тайёрлаш технологиясида амарант уни ва амарант патокасининг қўлланилиши. Пиво ишлаб чиқариш жараёнида пиво маҳсулотларининг таннархини арзонлаштириш мақсадида иккиламчи хом ашё сифатида крахмал тутган донли ва патока маҳсулотларидан кенг фойдаланилади. Затор тайёрлаш жараёнида амарант уни қўшилишининг қандлаштириш жараёнига, оч рангли 12% экстрактивликдаги пиво тайёрлашда амарант унининг сусло ва тайёр пиво нордонлигига, сусло пишириш жараёнида патока қўшилишининг тайёр пиво кўпик барқарорлигига таъсири ўрганилди: солодга 20% гача амарант уни ёки пиво суслосига 25 % гача амарант патокаси қўшиб, “Нордонлиги” ва “Кўпик барқарорлиги” кўрсаткичлари бўйича сифатли бўлган оч рангли, экстрактивлиги 12% бўлган пиво маҳсулотлари тайёрлаш мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “Амарант уруғини қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи чиқиндиларни қайта ишлаш” деб номланган тўртинчи бобида

Амарант оқсиллари асосида биологик фаол пептидлар олиш технологиясини яратиш, амарант уруғини қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи чиқиндиларни қайта ишлаш, натижалар статик қайта ишлаш, амарант уруғидан биологик фаол пептидлар олишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаш келтирилган.

Амарант оқсилларидан биологик фаол пептидлар олиш технологиясини яратишда тажрибалар натижасида олинган маълумотлардан фойдаланилган. Бунда амарант уруғи оқсил миқдори 11 %, ёғлилиги 6%, крахмал миқдори 52-58%, протеолитик “Neytraza” фермент препарати паспорт маълумотларидан унинг фаоллиги 50-53 °С ҳароратда юқори фаолликга эга эканлигини инобатга олинган. Биологик фаол пептидлар ишлаб чиқариш асосий иқтисодий кўрсаткичлари 9-жадвалда келтирилган.

Маҳсулотлар ҳисобидан 1 тонна амарант уруғидан 108,19 кг биологик фаол пептидлар олинади. Йилига 300 тонна амарант уруғини етиштириб, ундан биологик фаол пептидлар олишда 1 кг пептидларнинг таннархи 69232 сўмни, 1 кг маҳсулотнинг эркин сотиш баҳоси 144739 сўмни ва ишлаб чиқариш цехининг йиллик кутилаётган фойдаси 1947420 минг сўмни ташкил этади.

9-жадвал

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчам	Лойиха бўйича
1	2	3	4
1	Йиллик и/ч маҳсулот ҳажми		
	а) натурал ифода	кг	32457
	б) товар маҳсулотининг қиймати	минг сўм	4697825,13
2	1 ўлчам маҳсулотнинг и/ч таннархи (ишлаб чиқариш сарфлари)	минг сўм/ кг	69,23
3	Йиллик маҳсулотнинг таннархи (32457 кг)	минг сўм	2247066,72
4	Маҳсулотнинг эркин-сотиш баҳоси	минг сўм/ кг	144,739
5	Йиллик фойда	минг сўм	1947420
6	Маҳсулот рентабеллиги (самарадорлиги %)	%	86,66
7	1 ишловчининг ўртача- ойлик иш ҳақи	минг сўм	5500
8	1 ишчининг ўртача- ойлик иш ҳақи	минг сўм	5500
9	Моддий сарфларнинг ишлаб чиқариш таннархдаги улуши	%	8,56

Суткасига 1,5 тонна амарант уруғи оқсилларидан биологик фаол пептидлар олиш учун технологик жиҳозлар танланган ва танланган жиҳозлардан 11-расмда келтирилган технологик схема яратилган.

Амарант ўсимлиги уруғи тозаланган ҳолда қабул бункери (1)га туширилади, пичоқли майдалагич (2) да 0,1 мм ўлчамда майдаланиб, (3) майдаланган дон қабул бункерига берилади ва нория (4) орқали оқсиллардан пептид гидролизатлари олиш учун (9) ферментаторга берилади. Майдаланган амарант майдаланмаси ферментаторда 1:4 нисбат ҳажмдаги 50 °С ҳароратдаги сув билан аралаштирилади. Аралашма таркибидаги сувга дастлаб дон

Амарант уруғи таркиби, қўлланиладиган фермент фаоллиги, тажриба натижалари, танланган ускуналар асосида суткасига 1,5 тонна амарант уруғидан биологик фаол пептидлар олиш технологияси яратилди. Амарант уруғидан биологик фаол пептидлар олишда мой, углеводларга бой чиқинди масса ҳосил бўлади. Ушбу массани таркибида крахмал, скваленга бой амарант мойи бўлганлиги сабаб амилolitik ферментлар ва экстракция усулларини қўллаган ҳолда қўшимча патока, амарант мойи маҳсулотлари олиш имкони пайдо бўлган. Бу эса ўз навбатида амарант уруғини комплекс қайта ишлаш зарурлигини кўрсатган. Амарант уруғини комплекс қайта ишлаш технологик схемаси 12-расмда келтирилган.

ХУЛОСА

1. Биринчи марта Хоразм вилоятида амарантнинг “Харьков” навини етиштиришда ўртача 1 га майдондан 700-750 ц кўк масса ва 4,6-5,4 т амарант уруғи олиниб, етиштирилган амарант ўсимлигини механик таркиби таҳлил қилинганда, умумий массасига нисбатан бош қисми яшил массаси 17,5 %, барги 24,4 %, уруғи 6 %, пояси 51,2 %, илдизи 6,8 %, физик-кимёвий таҳлилларда оқсил миқдори 9-11%, куруқ вазнга нисбатан мойлилиги 6,9% гача, мойлари таркибидаги ёғ кислоталарининг асосий улуши линолен кислотасига (34,5%), олеин кислотасига (33%), палмитин кислоталарига (18,5%) тўғри келиши, мой таркибидаги сквален миқдори 8,4-8,6% бўлиши ва амарант уруғи таркибида захарли элементлар кўрсаткичи бўйича СанҚМ 0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари” ҳужжати 4.1-банди захарли элементлар миқдори бўйича мослиги аниқланган.

2. Амарант уруғидан сувда (альбумин), тузда (глобулин), спиртда (глутелин) эрийдиган оқсиллар экстракция усулида ажратиб олинди. Ажратилган глутелин нейтрал протеиназа билан гидролизланиш тезлиги бошқа оқсилларга нисбатан 2-3 марта юқори бўлиши кузатилди. Оқсилларни 120 дақиқа давомида гидролизланиш даражаси глутелинда 2,16 мкмоль/мл бўлса, альбуминда 1,08 мкмоль/мл, глобулинда эса 0,97 мкмоль/мл ни ташкил этди. Нейтраза ферментини глутелинга ва альбуминга нисбатан Михаэлис константаси 14,3 мг/мл ташкил этган бўлса, глобулинга нисбатан 10,0 мг/мл ни ташкил этди. Бу билан нейтрал протеиназининг амарант уруғи глутелин оқсилларини бошқа оқсилларга нисбатан гидролизланиш спецификлиги юқорилиги аниқланган.

3. Амарант уруғини протеаза (Neytrase 0,8L) ферменти билан гидролизлашда рН 6-7, ҳарорат 45-55 °С оптимал шароит бўлиши аниқланди.

4. Амарант уруғи оқсиллари асосида олинган пептидлар антиоксидантлиги, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* ва *Bacillus subtilis* бактерияларга нисбатан антимиқроб хоссасига эга эканлиги аниқланиб, олинган пептидлар молекуляр массаси 7-16 кДа, таркибидаги захарли элементлар миқдори СанҚМ 0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари” ҳужжати 9.1-банди захарли элементлар миқдори бўйича мослиги аниқланган.

5. Амарант уруғини қайта ишлаб оқсиллардан протеолитик ферментлар ёрдамида антиоксидант, антимиқроб хоссали пептидлар олишни мўътадил

шароитлари ва ҳосил бўладиган иккиламчи чиқинди углеводлардан амилолитик ферментлар иштирокида крахмал патокаси ва сквалентга бой амарант мойи олиш технологияси яратилди.

6. 1 т амарант уруғидан 108,19 кг биологик фаол пептидлар олиниши, 300 тонна амарант уруғини етиштириб, ундан биологик фаол пептидлар олишда 1 кг пептидларнинг таннархи 69232 сўмни, маҳсулотнинг эркин сотиш баҳоси 144739 сўм/кг бўлганда, биологик фаол пептидлар ишлаб чиқариш цехининг йиллик кутилаётган фойдаси 1947420 минг сўмни ташкил қилиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАРИПОВ ПОЛВОН РУЗМАТОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ
АКТИВНЫХ ПЕПТИДОВ НА ОСНОВЕ АМАРАНТОВОГО БЕЛКА**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высший аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/T2469.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико - технологическом институте, Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «Ziynet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Хасанов Хасан Турсунович

кандидат биологический наук, доцент

Официальные оппоненты:

Серкаев Камар Пардаевич

доктор технических наук, доцент

Каршиев Толиб Овлаевич

кандидат биологический наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «30» 10 2024 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. Ташкентский химико-технологический институт, Административное здание, 2-й этаж, конференц зал.

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №788 с которым можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «7» 10 2024 года.
(протокол рассылки №788 от 7.10 2024 года).



С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

Х.И. Кадилов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

К.П. Серкаев
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время различные пептиды, обладающие антимикробными свойствами, широко используются в качестве лекарств против тяжелых респираторных заболеваний. При этом одним из актуальных вопросов является ферментативная обработка богатых белком продуктов, получение биологически активных веществ, выращивание растения амарант, а также совершенствование технологических процессов получения различных видов продуктов, богатых биологически активными веществами.

Производимые в мире антимикробные пептиды используются в пищевой, фармацевтической промышленности, медицине и других отраслях. Большое значение имеют получение антимикробных пептидов из семян амаранта с участием протеолитических ферментов, изучение их физико-химических свойств и сырьевой базы, снижение потерь при получении антимикробных пептидов, внедрение эффективных методов производства по безотходной технологии, обеспечение экологической чистоты продукции.

В нашей республике достигаются определенные научные результаты по производству высококачественной продукции из местных сырьевых ресурсов, созданию технологий получения продуктов с улучшенными функциональными свойствами, с добавлением растительных экстрактов, витаминов, незаменимых добавок, путем внедрения высокоэффективных технологий. В стратегии развития нового Узбекистана определены важные задачи «Быстрого развития высокотехнологичных производств, прежде всего производства готовой продукции с добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»². В связи с этим актуальна разработка технологии получения новых видов продукции с особыми функциональными свойствами путем ферментативной обработки богатых белком продуктов, выращивания растения амаранта и его переработки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, постановленных в Указах Президента Республики Узбекистан УП № 60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022—2026 годы», Постановление Президента Республики Узбекистан ПП № 4821 от 09 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», Указ Президента Республики Узбекистан УП № 36 от 16 февраля 2024 года «О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности в республике», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

² Указ Президента Республики Узбекистан УП № 60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022—2026 годы.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по переработке амаранта и масличных культур, изучению биохимических и физико-химических свойств проводились такими учеными, как Silva-Sánchez C., Alehis Ayala-Nino, Teresa Rosales-García, Rozana Amaresida, А.И. Глушенкова, С. Латиф, Soto C.G., Rosenthal A., Lamsal B., Hanmoungjai P., Moreau R., Dominguez H., К. Сосулки, А.Г. Сергеев, М.З. Подольский, В.Г. Щербаков, В.П. Ржехин, Ш.Х. Олимжонов, М.М. Рахимова, К.С. Сафаров, Х. Алланов, О. Сотторов, М. Нормурадова, Ш.А. Турсунова.

Ими определены физико-химические и показатели безопасности растения амаранта, на основе переработки амаранта обоснованы технологии получения амарантового масла, белковых, пептидных, углеводных гидролизатов, получены антитромбические, противомикробные препараты, содержащие белковые гидролизаты.

Одновременно на основе высокоэффективных технологий проводятся научные исследования по переработке семян амаранта с использованием ферментов, разработке технологии получения патоки, амарантового масла на базе комплексной переработки семян амаранта, созданию рецептур с дополнительными антиоксидантами и специфическими добавками, стимулирующими пробиотические и антимикробные свойства продукта.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

